

**Наср I ибн Асад Сомоний**  
**(тахм. 848-893)**  
**(865-892)**

Ўзбек давлатчилигидаги сомонийлар сулоласининг бошлиги, Самарканд хокими (865-892). Сомонийлар давлати хукмдори. Наср ибн Ахмад Норин дарёси бўйидаги Хайлам кишлогидан тугилган. Отаси Ахмад вафотидан (865-йил) кейин у Самаркандни марказга айлантиради. Бухоро воҳаси, Нахшаб (Кашкадарё), Чагонруд (Сурхондарё) водийларидан ташқари Мовароуннахрнинг барча вилоятларини бирлаштириш ва уни Хуросондан ажратиш олиш чораларини кўради. Тоҳирийларнинг давлатининг барҳам топиши билан вазият тубдан ўзгариб, истиклол учун қулай шароит пайдо бўлади. Ўз холига ташлаб қўйилган Бухоро аҳли хатто саффорийларга тобе бўлишни хохламайди. Шаҳар зодагонлари сомонийларга мурожаат қилиб, Самаркандга Наср хузурига элчилар юбордилар, ундан Бухорони ўз қўли остига олишни ва сомонийлар хонадонидан бир кишини Бухорога хоқим қилиб юборишни сўрайдилар. Наср бу таклифни мамнуният билан қабул қилиб, укаси Исмоилни (874) Бухорога ноиб қилиб юборди. Шундан сўнг Наср ибн Ахмад ўзини бутун Мовароуннахр бошлиги деб билган (875) ва кумуш дирхамлар зарб қилдирган (илгари дирхам тангалар зарб қилишга фақат тоҳирийларнинг ҳуқуқи бор эди). Исмоил бўлса, акасига итоат этмай қўйган ва улар ўртасида 888-йил тўқнашув бўлиб Наср ибн Ахмад қўшинлари бутунлай тор-мор қелтирилган.